Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 195 (7685). ● 13 октябрь, 1981 йил ✦ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

Яшасин улуғ Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида—коммунизм ғалабаси сари, олға!

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллигига ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги давр очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

3. Яшасин мангу барҳаёт революцион интернационал таълимот — марксизм-ленинизм!

4. Яшасин ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Партиянинг кучи — халқ билан бирликдадир!

Халқнинг кучи — партия билан бирликда, унинг раҳбарлигидадир!

5. Коммунистлар! КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

6. Коммунизм бинокори, тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

7. Совет Иттифоқининг гражданлари! Ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашишни ўрганингиз!

КПСС XXVI съезди қарорларини бажарамиз!

8. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ун биринчи беш йилликни зарбдор меҳнат билан нишонлайлик!

Улуғ Ватанимиз янада кучли, бадавлат ва кўркам бўлаверсин!

Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!

9. Яшасин Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

10. Яшасин шонли колхозчи-деҳқонлар!

11. Яшасин совет халқ зиёлилари!

12. Яшасин ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг мустаҳкам иттифоқи!

13. Яшасин Совет Иттифоқидаги барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлиги ҳамда енгилмас бирлиги!

14. Яшасин СССР Конституцияси!

Яшасин социалистик демократия!

15. Яшасин халқ депутатлари Советлари!

Совет Иттифоқи гражданлари! Давлат ва жамият ишларини бошқаришда актив қатнашаверингиз!

16. Яшасин коммунизм мактаби, жамиятимизнинг нуфузли кучи — совет касаба союзлари!

17. Йигит ва қизлар! Билим, маданият, касб маҳоратини сабот билан эгалланглар!

Коммунизм учун онгли курашчилар бўлингиз!

18. Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви, совет ёшларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

19. Яшасин коммунизмнинг актив бинокорлари — совет хотин-қизлари!

Оналарга шон-шарафлар!

Бутун Ер юзининг болалари тинч ва бахтиёр бўлсинлар!

20. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштиринглар!

Совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг буюк ғалабаларини сергаклик билан мустаҳкам қўриқлангиз!

Яшасин шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

21. Октябрь ғалабаси учун, Ватанимиз шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштиринглар! Ҳамма жойда илғор тажрибани жорий этингиз!

Онгли коммунистик интизомни мустаҳкамлангиз! Ижодий ташаббус кўрсатингиз!

Экономика интенсив ривожлансин!

23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ривожланган социализмнинг имкониятларидан, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан тўлиқроқ фойдаланингиз!

24. Совет Иттифоқи гражданлари! Жамоат ҳужалигида ишлаш ва савдо корхоналарининг ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нобуд бўлишига йўл қўймангиз!

Етиштирилган ҳамма маҳсулот халқ фаровонлиги йўлида фойдаланилиши керак!

40. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини тўлиқроқ қондиринглар!

41. Совет Иттифоқи гражданлари! Жамоат мулкига омилкорлик билан муносабатда бўлингиз! Социалистик мулкни кўпайтиринглар!

Мамлакат бойликларидан оқилона фойдаланингиз! Она табиатни ардоқлаб асранглар!

42. Халқ хўжалиги мутахассислари! Ихтирочилар ва рационализаторлар! Техникани, технологияни, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштиринглар!

43. Совет олимлари! Тадқиқотларнинг самарадорлигини оширингиз!

Фанинг ишлаб чиқариш билан иттифоқи мустаҳкамлансин!

Совет фанига шон-шарафлар!

44. Давлат аппаратининг ходимлари! Иш услубини такомиллаштиринглар! Совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан ёндашингиз!

45. Халқ контролёрлари! Интизомни мустаҳкамлаш, иқтисод ва тежамкорлик учун ғайрат билан курашингиз!

46. Идеология фронтининг ходимлари! Тарбия, ахборот ва пропаганда ишининг сифатини оширингиз!

Коммунистик ғоявийлик, ҳаётда актив позицияда туриш ҳар бир совет кишисининг онгига сингдирилсин!

47. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Улуғ Ватанимизга муносиб асарлар яратингиз!

Совет санъатининг ғоявийлиги, партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтаринглар!

48. Халқ маорифи ходимлари! Еш авлодга таълим бериш, унинг сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияси сифатини оширингиз!

49. Олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ходимлари! Ғоявий чиниққан, юқори малакали мутахассисларни тайёрланглар!

Фанни ривожлантиринглар, ишлаб чиқариш билан алоқани мустаҳкамланглар!

50. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Совет кишиларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилинглар! Медицина хизматининг сифатини оширингиз!

51. Физкультурачилар ва спортчилар! Физкультура ҳаракатининг оммавийлигини оширингиз!

Совет спортининг шуҳратини юксалтиринглар!

52. Шонли меҳнат ва уруш ветеранлари! Ёшларнинг мураббийлари! Еш авлодни Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбияланглар!

53. Ўқувчилар, студентлар! Билим ва маданиятни, меҳнат кўникмаларини сабот билан эгалланглар!

Совет Ватанини астойдил севингиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлингиз!

54. Яшасин Совет Иттифоқининг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати!

КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан 80-йилларнинг Тинчлик программаси амалга ошаверсин!

55. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Халқ иши учун мард курашчилар — коммунистларга шон ва шарафлар!

56. Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

Яшасин халқаро ишчилар синфининг синалган ва қудратли қуроли — пролетар интернационализми!

57. Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг енгилмас иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

58. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ғалабаларини мустаҳкамлашга берган азму қарори!

59. Америка империализмининг қирғиқорларига қарши қатъият билан курашаётган қаҳрамон Куба халқига қардошлик саломи!

60. Қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик саломи!

61. Мард Лаос халқига қардошлик саломи!

62. Мустақил, эркин халқ Кампучиясини барпо этаётган Кампучия халқига қардошлик саломи!

63. Апрель революцияси ғалабаларини мардона ҳимоя қилаётган афғон халқига қардошлик саломи!

64. Ўз мустақиллигини, революция ғалабаларини фидокорона ҳимоя қилаётган Ангола халқига қардошлик саломи!

65. Социалистик ўзгартишларнинг революцион йўлини қатъият билан танлаб олган Эфиопия халқига қардошлик саломи!

66. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига қардошлик саломи!

Монополиялар эксплуатациясига ва зулмига қарши, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун, тинчлик, демократия учун курашчиларга шон-шарафлар!

67. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган халқларга, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун кўрашчиларга қардошлик саломи!

68. Империализмга ва ирқчиликка қарши, озодлик ва мустақиллик учун курашаётган Африка халқларига оташин салом!

69. Империализмга ва реакцияга қарши, ўз мамлакатларининг демократик ривожланиши учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига оташин салом!

70. Фашистлар хунтасига қарши фидокорона курашаётган Чили меҳнаткашларига, барча демократларига қардошлик саломи!

71. Озодлик, демократия, социализм учун курашиб, фашизм зиндонларида азоб чекиб ётган кишиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқунларига озодлик!

72. Исроил агрессиясига ва империализм зўравонлигига қарши курашаётган араб халқларига оташин салом!

Совет—араб дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

73. Европа мамлакатларининг халқлари! Ғарбий Европада Американинг янги ракета-ядро қуроли жойлаштирилишига қарши курашингиз!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва яхши қўшничилик бўлсин!

74. Осиё мамлакатларининг халқлари! Империализм ва гегемонизмнинг тил бириктирувига қарши, тинчлик ва хавфсизлик учун курашингиз!

Осиё ишонч ва ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолсин!

75. Улуғ Ҳинд халқига оташин салом!

Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

76. Жаҳон халқлари! Империализм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига қаттиқ зарба берингиз!

Қуролланиш пойгасини жиловлайлик, кескинликни юмшатишни чуқурлаштирайлик, уруш хавфини йўқотайлик!

77. Тинчлик тарафдорлари! Энг улуғ ҳуқуқ — яшаш ҳуқуқи учун муқаддас курашда ўз куч-ғайратларингизни кўпайтиринглар!


Нейтрон қурол ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари тақиқланиши учун изчиллик билан курашингиз! Йўқолсин ядро уруши!

Жаҳонга — тинчлик!

78. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

79. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Тошкент области механизаторлари 9 октябрь куни республикада биринчи бўлиб машинада пахта териш йиллик планини адо этдилар. Қабул пунктларига машиналар ёрдамида териб олинган 333 минг тоннадан зиёд хом ашё жўнатилди. Бу машинада пахта териш планига нисбатан 100,94 процентни ташкил этади. Ҳар бир машина билан ўртача 120 тоннадан пахта терилди.

Ғалаба, Ўрта Чирчиқ, Коммунистик, Бўка районларининг механизаторлари ажойиб меҳнат муваффақиятларини қўлга киритдилар. Бу районларда тайёрланган хом ашёнинг 86—97 процентини «зангори кемалар бункеридан бўшатилди.

Эришилган муваффақиятлар ипатоволиклар тажрибаси асосида ташкил этилган терим-транспорт отрядларининг барча звеноларида иш пухта йўлга қўйилганлигининг натижасидир. Область хўжаликларида 300 терим-транспорт отряди юксак унум билан ишлаяпти. Бу отрядларга 2862 пахта териш, 626 кўрак узиш, 826 кўрак чувиш машинаси, 326 механик-подборщик бириктирилган. Шунингдек, пахта териш машиналарига техника хизмати кўрсатувчи 300 звено ташкил этилган бўлиб, улар терим техникасини ўз вақтида ремонт қилишни ва бетўхтов ишлашини таъминламоқда.

Область механизаторлари етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини нест-нобуд қилмасдан, қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш учун қизғин меҳнат қилмоқдалар. Шу кунларда улар пахтани группа усулида териб олишмоқда. Иккинчи ва учинчи машина теримидан сўнг далаларга кўрак узиш агрегатлари олиб чиқилмоқда ва шу йўл билан далалардан ҳосилдан сифатли тозалашга эришилмоқда.

Область дала гвардиячилари етиштирилган ҳосилнинг камида 85 процентини механизмлар ёрдамида териб олинишини таъминлаш учун актив курашмоқдалар.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА



ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 12 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бўён; тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

ҒАЛАБА	0,22	110,41	0,16	114,96
БЎКА	0,55	109,11	0,41	108,34
ПИСКЕНТ	0,62	101,17	0,76	105,74
Ўрта Чирчиқ	1,75	98,46	1,86	105,17
Коммунистик	1,70	98,37	1,57	96,51
Оққўрғон	0,91	93,44	1,06	81,29
Бекобод	1,61	84,83	1,96	77,32
Чиноз	1,62	82,86	1,86	81,34
Янгийўл	1,00	82,00	1,53	65,69
Область бўйича:	1,04	96,36	1,25	103,26

КАНОП ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИ БАЖАРИЛАДИ

Тошкент области қишлоқ хўжалиги ва луб тайёрлаш органларининг меҳнаткашлари партия XXVI съездининг қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларидан келиб чиқувчи вазифаларни амалга ошира бориб, ун биринчи беш йилликнинг биринчи йилида мўл каноп ҳосили етиштирдилар, уни юксак сифатли тозалашга эришдилар ва давлатга луб топшириш йиллик планини муддатидан илгари, 1981 йилнинг 10 октябрида бажардилар. Тайёрлаш пунктларига 320,8 минг тоннадан кўп шу қимматли техника экини маҳсулоти келтирилди, унинг 84 процентдан кўпи биринчи сортга қабул қилиб олинди. Гектар бошига 174 центнердан каноп поя олинди.

Коммунистик, Ғалаба, Ўрта Чирчиқ ва Бўстонлиқ районларининг каноп экувчи хўжаликлари шу меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўрта Чирчиқ районининг лубкорлари айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. Улар гектар бошига 191 центнердан каноп поя олдилар, давлатга каноп поя сотиш йиллик планини 107 процент қилиб бажардилар.

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Ленин номли, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли, Коммунистик районидаги «Политотдел», Ғалаба районидаги «Ленинград», Янгийўл районидаги Ленин номли колхозлар социалистик мажбуриятлар муддатидан илгари бажарилишини таъминлаб, гектар бошига 191—238 центнердан ҳосил олдилар.

Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозлан Сергоз Ашбоев, Сарибой Ибраев, Мерил Убайдуллаев бошчилигидаги бригадаларнинг, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозидан Абдумўмин Турғунбоев ва Абдураззоқ Курмашев бошчилигидаги, «Ленинский путь» колхозидан Григорий Ким ва Тожикул Холиқулов бошчилигидаги, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозидан Эркин Каримов ва Рўзибой Ботиров бошчилигидаги, Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхозидан Малик Тўйчиев бошчилигидаги, Ғалаба районидаги Димитров номли колхозидан Семён Пак бошчилигидаги, «Ленинград» колхозидан Ғаффор Юнусов ва Абил Бейсенов бошчилигидаги бригадаларнинг коллективлари гектар бошига 230—338 центнердан каноп поя олиб, рекорд кўрсаткичларга эришдилар.

ҲАММА—ТЕРИМГА!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ

РЕСПУБЛИКА КОММУНИСТЛАРИ ВА КОМСОМОЛЛАРИ, КОЛХОЗЧИЛАРИ, СОВХОЗ ИШЧИЛАРИ, МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини бутун совет халқи билан биргаликда зўр ғайрат ва собитқадамлик билан амалга оширмоқдалар. Улар деҳончи партиянинг доно ички ва ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини коммунистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонлашга интилмоқдалар.

Республика саноати тўққиз ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Капитал қурилиш самарадорлиги ва сифати ошди. Халқ фаровонлиги муттасил юксалиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам ўз ютуқлари билан хушнуд этмоқдалар. Ҳозиргача қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан дон, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, узум, каноп, пилла, қоракўл тери ва жун тайёрлаш борасидаги социалистик мажбуриятлар анча оширилиб бажарилди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш илдам суръатлар билан олиб борилмоқда. Деҳончиларнинг маҳорати ва фидокорона меҳнати муносиб тақдирланди. Ўзбекистон сахий диёрининг пахтакорлари республиканинг, мамлакат индустриал марказларининг меҳнаткашлари дастурхонига кўп миқдорда етказиб беридилар.

Йиғим-теримнинг мана шу долзарб кунларида ҳаммасининг нигоҳи ажойиб пахтакорларимизга қаратилгандир. Улар Леонид Ильич Брежнев республика олдига қўйган вазифанинг — ўн биринчи беш йилликда пахта етиштиришни анча кўпайтиришни, унинг сифатини оширишни таъминлашдан иборат вазифанинг муҳимлигини бутун ақл-идролари ва қалблари билан ҳис этдилар. Республика пахтакорлари зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар, ўзларининг ватанпарварлик, интернационал бурчларини фидокорона, ҳалол ва виждонан бажармоқдалар.

Пахта — совет халқининг шон-шуҳрати ва ифтихори, мамлакат экономикасини ривожлантиришга қўшадиган бизнинг салмоқли ҳиссамиздир, давлат экономикасида пахта ғаллага, металлга, нефтга тенглаштирилаётгани тасодифий эмас. Уни Москва ва Иваново, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тўқимачилик марказлари кутиб турибди. Шу боисдан пахта етиштиришни кўпайтириш, тола сифатини оширишни Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзларининг энг биринчи бурчи деб билмоқдалар.

Коммунистик партия билан Совет ҳукумати пахтакорларнинг илҳомбахш меҳнатини юксак қадрламоқдалар. Леонид Ильич Брежневнинг «оқ олтин»ни пахтакорларнинг олтин қўллари яратади», деган самимий сўзлари республикадаги ҳар бир меҳнаткашнинг қалбидан чуқур жой олди. Деҳқонлар партия ва ҳукуматнинг ғамхўрлигига жавобан илҳомбахш меҳнат қилмоқдалар. Республика пахтачиликни ривожлантиришдаги гоят катта муваффақиятлари учун Ватаннинг олий мукофоти — Ленин орденига учинчи марта сазовор бўлди.

Ўзларининг шонли анъаналарига содиқ бўлган Ўзбекистон пахтакорлари об-ҳаво шароитлари ниҳоятда оғир бўлган бу йил ҳам социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилишини гарантиялайдиган мўл ҳосил етиштирдилар. Табиий офат кучларига, кўкламги совуқ ва жалаларга, дўл ва бўронларга ниҳоятда ажойиб қаҳрамонлик, интизом, ташаббускорлик қарама-қарши қилиб қўйилди. Деҳқонларнинг ғайрат-шижоати, тажрибаси ва маҳорати олдида табиий офат ҳам чекинди.

Ҳозир республиканинг пахта далаларида етиштирилган ҳосилни жуда тез ва нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун кураш бир дақиқа ҳам тўхтамаяпти. Терим мавсуми пахта тайёрлашнинг юксак суръатлари билан нишонланди. Мамлакат Ўзбекистоннинг 3,5 миллион тонна «оқ олтин»ини қабул қилиб олди.

Ромитан, Ғалаба, Бўка, Ғиждувон ва Пискент районларининг меҳнаткашлари, ўнлаб колхоз ва совхозлар давлат плани бажарилганлиги тўғрисида ҳозирдаёқ рапорт бердилар. Тошкент области пахтани машинада териш планини адо этди.

«Оқ олтин» теримни илғорларга шон-шарафлар бўлсин! Уларнинг намунаси, уларнинг юксак онглилиги ва толмаслиги бошқаларни илҳомлантириб, ўзларига эргаштирмоқда, пахта фронти жангчиларининг шон-шуҳратини оширмоқда!

Барча областларнинг меҳнаткашлари умумдавлат манфаатларини астойдил тушуниш намуналарини кўрсатмоқдалар. Тошкентликлардан кейин Бухоро, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё, Фарғона, Наманган, Сурхондарё ва Андижон областларининг пахтакорлари социалистик мехнат авангардида бормоқдалар. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ҳамда Самарқанд областларининг колхоз ва совхозлари терим суръатларини кучайтирмоқдалар.

Аммо куз об-ҳавоси деҳқонларни эркалатаётгани йўқ. Қолаверса, кўкламги ва ёзги табиий офатларнинг оқибатлари ҳали ҳамма жойда ҳам батамом тугатилган деб бўлмайди. Баъзи районларда одамлар табиатдан кучли бўлиб чиқдилар, бошқаларида эса табиат устун келди.

Тошкент технологиясига асосланган илғор агротехника ва комплекс механизациянинг янги усулларини излаётган, уларни сабот билан жорий этаётган кишилар табиий офатни енгиб, унинг оқибатларини бартараф этдилар. Эски агротехникага кўникиб қолинган жойларда эса (ўшанда биз гектар бошига 15-20 центнердан ҳосил олиб, пахтани то январгача терардик) бу йил ҳам табиат инжиқликлари одамлардан кучли бўлиб чиқди. Бу эса ҳосилнинг тақдири учун зўр ташвиш туғдирмоқда.

«Оқ олтин» мавсумининг ҳал қилувчи палласи, йиллар ва ўн йиллар тажрибаси билан синалган халқ донишмандлигининг: «об-ҳаво об-ҳаволигини қилади, иш эса ўз йўлига» деган нақлига тўла амал қиладиган пайт бошланмоқда. Бугунги кунда барчанинг ва ҳар бир кишининг ақиллик билан қилган зарбдор меҳнатигина ишнинг муваффақиятини таъминлайди, мўл ҳосилни ёнғинсочин бошлангунга қадар йиғиб-териб олиш имконини беради.

Шундай бир шароитда пахта тайёрлаш суръатларини ошириш, мавсумнинг ҳар бир кунидан, ҳар соатидан энг кўп самара билан фойдаланиш бош вазифадир. Ёнғинсочин қўшимча қийинчиликларни вужудга келтириб, ҳар қандай бегамлик ҳосилга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши, минг-миғлаб кишиларнинг куч-ғайратларини йўққа чиқариши мумкин.

Одамлар билан техникани пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этиш, барча мавжуд резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун ўзимизнинг бутун уюшқоқлигимизни, сабот-матонатимиз, мардлигимизни намоён этиш ҳозир ҳар қачонгидан кўра муҳимдир.

Вақт ғанимат. Вазият шуни қатъий талаб этмоқда: республиканинг барча меҳнаткашлари ҳосил тақдири учун масъулиятни деҳқонлар билан биргаликда ўз зиммаларига олишлари, пахтакорларга ёрдам беришлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республиканинг барча коммунистлари ва комсомолларига, колхозчилари ва совхозларнинг ишчиларига, қишлоқ хўжалик механизаторлари, раҳбарлари ва мутахассисларига, барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, «оқ олтин» ҳосили йиғим-теримида жуда актив қатнашишга, пахта далаларида икки карра, уч карра зўр ғайрат билан меҳнат қилишга даъват этадилар. Бутун ҳосилни сўнгги чаноғигача гоят қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш, ҳар бир хўжалик, район, область қабул қилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш — бизнинг энг биринчи бурчимиздир.

Бунга олиб борадиган йўл фақат битта. Бугун республиканинг ҳар бир аҳолиси — колхозчи ва ишчи, ёзувчи ва олим, инженер ва педагог, хизматчи ва студент, врач ва уй бекаси ҳосилнинг тақдирига шахсан дахлдор эканлигини англаб олиши, «оқ олтин» учун жангдаги ўз ўрнини виждон амри билан белгилаши, жон-тани билан пахтакор бўлиши керак. Мана шу ҳал қилувчи кунларда ҳамма, айнан ҳамма далага чиқиши лозим. Бугунги кунда бизнинг битта энг асосий вазифамиз, мамлакат олдида битта масъулиятимиз бор: у ҳам бўлса пахтадир!

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари!

Етиштирилган аъло даражадаги ҳосилда сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, қалбларингизнинг ҳарорати ва кўлларингизнинг маҳорати мужассамдир. Мана шу чинакам баҳодирона етиштирилган ҳосилнинг лоақал бир чаноғи ҳам нобуд бўлишига йўл қўйиш мумкинми ахир! Ҳозир ҳамма нарсага бардош бериб «оқ олтин» теримида сизлар ҳосилни яратишда қандай фидокорона меҳнат қилган бўлсангиз худди шундай фидокорлик билан меҳнат қилиш керак. Ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, кўпмингкилограммчилар сафини кенгайтиринглар, юксак меҳнат унумдорлиги учун, ҳар бир киши мавсум давомида камида 10-12 тонна пахта териши учун курашингиз! Ҳар бир теримчи кунлик пахта териши фақат бир килограмм оширса республика хирмонига 5-8 минг тонна кўп пахта қўшилади.

Механизаторлар! Тошкент областининг шавкатли дала гвардиячиларига тенглашингиз. Ишчилар синфи сизларга ажойиб техникани бериб қўйган. Ишчилар синфи ана шу буюк кучни ўз баҳодирларига, дала гвардиячиларига ишониб топширганлигини халқ унутмайди. Халқ сизларнинг имкониятларингизни билади ва сизларни севади. Ана шу меҳр-муҳаббат ва ишонч зиммангизга кўпгина мажбуриятлар юклайди, бугун эса даставвал ҳосил тақдири учун юксак масъулият юклайди. Пахта териш ва кўсак узиш машиналари, кўрак чувиш машиналари, барча терим ва транспорт машина-механизмлари куну тун ишлаши керак. Ҳар бир механизатор, барча бригадалар ва звеналар, ҳамма хўжаликлар ва районлар пахтани машинада териш мажбуриятларини адо этсин!

Колхоз ва совхозларнинг, бўлимлар ва бригадаларнинг раҳбарлари! Қишлоқ хўжалик мутахассислари! Ишчи кучи ва техникани аниқ ва чаққон ишлатингиз, улар учун иш жойларини барвақт ҳозирланглар, комплекс звенолар ва терим-трансцорт отрядларининг ишини ташкил этишни такомиллаштиринглар! Пахта теримида ипатоводиклар методини кенг жорий этинглар, мусобақа илғорларини маънавий ҳамда моддий рағбатлантиришнинг барча форма ва методларини моҳирлик билан қўшиб олиб боринглар! Шаҳарликларнинг ёрдамидан самарали фойдаланинглар, далаларда зарбдорларча ишлашлари учун уларга барча шарт-шароитларни яратиб беринглар!

Шаҳарлар ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчи ёшлар! Сиз шу масъулиятли дамда қалб даъватига, бурч амрига кўра пахтакорларга ёрдам бергани келдингиз. Сиз қийин дақиқаларда ҳамиша шундай қилиб келгансиз. Бугун ҳам шундай дамлар етиб келди. Пахта даласи сизларнинг ҳаммаларингизни — пахтакорларнинг ишонган дўстлари ва содиқ ёрдамчиларини кутмоқда.

Коммунистлар ва комсомоллар! Улуғ Ленининг бизда бирдан-бир имтиёз бор — у ҳам бўлса қийинроқ жойда бўлиш, олдинда бориш, ўрнак кўрсатиш, бошқаларни эргаштиришдир, деган сўзларини бирон дақиқа ҳам унутмайлик. Бугунги кунда ҳам сиз фидокорлик, уюшқоқлик намуналарини, қўлда пахта теришда ҳам, терим машиналарининг штурвалларида ҳам, ҳуллас йиғим-терим конвейерининг ҳамма бўғинларида маҳорат намуналарини кўрсатишингиз лозим. Далада ҳам, юксак раҳбарлик лавозимида ҳам шахсий ўрнак кўрсатиб, теримчиларни зарбдор меҳнатга руҳлантиринг! Йиғим-теримнинг ҳамма участкаларида бугун сиз учун бундан фахрлироқ бурч йўқ!

Партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг ходимлари! Ҳосил йиғим-теримида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий иш савиясини, юксак терим суръати ва пахта сифати учун социалистик мусобақанинг ошкоралиги ва таъсирчанлигини оширинглар! Етиштирилган бутун пахта сўнгги чаноғигача терилиб, давлат хирмонида пишиқ-пухта ҳисоби қилиниши керак. Сиз шундай пировард натижани таъминлашингиз лозим!

Пахта тозалаш саноати ходимлари! Қайта ишлаш конвейери ҳамма бўғинларининг ишини бутун чоралар билан такомиллаштиринглар, пахтани қабул қилиш, қуритиш, тозалаш ва қайта ишлашни яхшиланглар ва жадаллаштиринглар. Жамики қуритиш, тозалаш цехлари кечаю кундуз ишлаб туришини таъминланглар! Машинада терилган пахта потокининг ўзида қайта ишланмоғи учун ҳамма резервларни сафарбар этинглар. Бу эса тола сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Бугунги кунда ҳаммамизнинг пахтакор деган умумий ва фахрли номимиз бор. Ватан биздан жасорат кутмоқда. Машина штурвалини бошқаришга, этак тутишга қодир ҳар бир киши пахта теримчилари сафига ўтиб, тўла самара билан ишлаши керак. Ҳамма куч-қувватларни «оқ олтин» теримига сафарбар этайлик!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети эришгирилган бутун пахта ҳосилини нобуд қилмай, қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш учун республиканинг барча меҳнаткашлари куч-ғайратларини аямайдилар, деб қаттиқ ишондилар.

Ватанга камида 6 миллион тонна Ўзбекистон пахтасини бераминз! Бу республика меҳнаткашларининг КПСС XXVI съезди тарихий қарорларига энг яхши жавоби, Улуғ Октябрь байрамига, СССР ташкил этилган кунининг яқинлашиб келаётган 60 йиллигига муносиб совғаси бўлади.

Ҳамма пахта теримига!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ХИРМОНИ ЮКСАЛМОҚДА

Эркин Рўзиев пахта теримининг кунлик рекордини қўйди. Унга соат совға қилишди. Шундайгина далала мумкин эди. Бироқ фақат пахтакорнигина эмас, албатта. Бунинг устига бригадирнинг — СССР Олий Совети депутатининг руҳи тушиши мумкин эмасди. Далага челакларда гўнг ташишди, уни эгатлар устига сепиб чиқишди. Бригаданинг 140 гектар ерига минг тоннадан кўпроқ гўнг солинди. Сувни ўз вақтида тўхтатишди. Ўз вақтида дефолиация қилишди. Энди ҳамма нарсани комбайнчилар ҳал қилишарди.

Улар ўзларининг яхши ишлашларини кўрсатишди. Иш шундай даражада ташкил этилганки, бундай ҳосилни йиғиб олишнинг ўзи кишига олам-олам қониқиш бахш этади. Машиналарнинг биринчи ўтишидаёқ бригада гектаридан пландан оширib ўртача 36 центнердан ҳосил йиғиб олди! Энди ҳар қалай центнерни, колхоз эса эса 40 центнерни кўламоқда.

— Ҳозир бу колхозга ҳам, умуман районга ҳам яна нима мадад беряпти, дерсиз? — дейди Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари М. Эгамбердиев. — Бизнинг пахтадан бўлак ҳеч қандай ташвишимиз йўқ. Бошқа — дон, каноп, мева, сабзавот тайёрлаш планларининг ҳаммаси пахта йиғим-терими бошлангунга қадар бажариб бўлинди. Бундан ташқари асосий нарса одамларимизнинг ишда фидойилиги ва ташаббускорлиги бўлмоқда...

Пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси вақтни бекорга ўтказишга мажбур бўладиган жой ҳам борки, у терим аппаратларини ювиш пайтидагина содир бўлмоқда. Шундай қилмаса ҳам бўлмайди, ахир. Шпиндель барабанлари тиқилиб қолиб, пахтанинг ифлосланиш даражаси ошиб кетади, анчагина қисми ерга ҳам тўкилади. Терим сифатига қайдларига кўра ҳар сменада 6-8 марта ювиб туриш мўлжалланган. Олдинги йилларда чиқарилган машиналарда эса бу ҳар бир ювиш жараёни учун йигирма беш минут вақт сарфланади, дегани.

Кези келганда нима учун бунга озроқ вақт сарфлаш мумкин эмас, деган савол туғилади. Охунбобоев номли колхозда бош инженер Паллади Тан, устахона мудири Ермахан Ҳоленов ва механик Рўзмат Дўсовлардан шу ҳақда сўрадик. Улар тоник тракторининг орқа ўқига темир уголоклардан «саляскалар» осиб, уларга сув помпаси ўрнатдилар. Уни орқа редуктордан ишлайдиган қилиб, қайиш билан боғладилар. Насоснинг оборотини кўтардилар.

Бу пайтга келиб, тоник тракторларининг кўпчилиги бўш бўлади. Бирданига 15 тасини — ҳар бир бригадага биттадан қилиб қайта жиҳозланди. Пахта териш машинаси ювиш учун тўхтади, дегунча ювгич трактор дарҳол унинг ёнида ҳозир бўлади. Ҳар бирига биттадан созловчи-слесарь қўйилган. Шланглнинг сўрғич томони ариққа ташланади (унга муайян дала учун график бўйича махсус равишда сув кўйилган бўлади ва сувни ташишга ҳожат қолмайди), пўлатдан ясалган пуркагич томонини эса ишчи терим машинасининг барабанига қараб йўналтиради. Уч минут вақт ўтди дегунча цпинделлар топ-тоза бўлади. Шу орада механик-ҳайдовчини вақтни бекорга ўтказишга мажбур қилмайдиган жой ҳам озгина ором олишга улгуради.

Ҳозир пахта далаларида ҳар бир машина учун, ҳар бир дақиқа учун чинакам кураш кетаётганини таъкидловчи яна бир деталь диққатга сазовордир. Охунбобоев номли колхозда бош инженер Паллади Тан, устахона мудири Ермахан Ҳоленов ва механик Рўзмат Дўсовлардан шу ҳақда сўрадик. Улар тоник тракторининг орқа ўқига темир уголоклардан «саляскалар» осиб, уларга сув помпаси ўрнатдилар. Уни орқа редуктордан ишлайдиган қилиб, қайиш билан боғладилар. Насоснинг оборотини кўтардилар.

Бу пайтга келиб, тоник тракторларининг кўпчилиги бўш бўлади. Бирданига 15 тасини — ҳар бир бригадага биттадан қилиб қайта жиҳозланди. Пахта териш машинаси ювиш учун тўхтади, дегунча ювгич трактор дарҳол унинг ёнида ҳозир бўлади. Ҳар бирига биттадан созловчи-слесарь қўйилган. Шланглнинг сўрғич томони ариққа ташланади (унга муайян дала учун график бўйича махсус равишда сув кўйилган бўлади ва сувни ташишга ҳожат қолмайди), пўлатдан ясалган пуркагич томонини эса ишчи терим машинасининг барабанига қараб йўналтиради. Уч минут вақт ўтди дегунча цпинделлар топ-тоза бўлади. Шу орада механик-ҳайдовчини вақтни бекорга ўтказишга мажбур бўлад

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1981 йил октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида давлатга пахта сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга топширилди:

Тошкент областида (область партия комитетининг секретари М. Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси Т. Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи А. Раҳмонов, область «Заготхлопкопром» бирлашмасининг бошлиғи Х. Қосимов, область «Сельхозтехника» бирлашмасининг раиси В. Хегай, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи У. Муслимов, область комсомол комитетининг секретари М. Маҳмудов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси Т. Ражабов). Бу областда пахта тайёрлаш плани 95,32 процент, машина терими плани 101,64 процент бажарилган ва ўн кунликда пахта тайёрлашда йиллик планнинг 39,41 проценти миқдорида ўсишга эришилган.

Бухоро область Қизилтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхозида;

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Жиззах областига;

Тошкент областининг Коммунистик районига (район партия комитетининг секретари А. Алимов, район ижроия комитетининг раиси Н. Цой, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Ш. Эрназаров, «Сельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси И. Каримов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи Р. Абдуллаев, район комсомол комитетининг секретари О. Толипов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси И. Султонова). Бу районда пахта тайёрлаш плани 95,28 процент, машина терими плани 90,32 процент бажарилган ва ўн кунликда пахта тайёрлашда йиллик планга нисбатан 47,03 процент ўсишга эришилган.

Сирдарё областининг Ворошилов районига, Жиззах областининг қўриқ Октябрь районига, Қашқадарё областининг Муборак районига, Наманган область Косонсой районидаги Худойбердиев номли совхозга, Жиззах область Октябрь районидаги С. Раҳимов номли 29-қўриқ совхозга, Сурхондарё область Шеробод районидаги «Партия XXV съезди» совхозига;

Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозига (раиси А. Обидов, партия ташкилоти секретари М. Холиқова, касаба союз комитети раиси Р. Умурзоқов, комсомол комитети секретари Ж. Мамбетов). Бу колхозда пахта тайёрлаш плани 83,07 процент, машина терими плани 89,12 процент бажарилган ва ўн кунликда пахта тайёрлашда йиллик планнинг 49,21 процент ўсишга эришилган.

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг қўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Пискент районига (район партия комитетининг секретари Баҳодиров, район ижроия комитетининг раиси Ҳалилов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ахмедов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитети раиси Нуров, район комсомол комитетининг секретари Акромов, «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Тожимуродов ўртоқлар). Бу район давлатга пахта сотиш йиллик планини 100,55 процент, шу жумладан машина терими планини 104,98 процент бажарган ва октябрь ойининг иккинчи беш кунлигида давлатга пахта сотишда йиллик планга нисбатан 16,55 процент, шу жумладан машина теримида 14,95 процент ўсишни таъминлаган.

Байроқ Бўка районидан олиб берилади.

Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозига (директори Дўстбеков, партия ташкилоти секретари Тургонбеков, ишчилар комитети раиси Сотиболдиев, комсомол ташкилотининг секретари Маҳмудова ўртоқлар). Бу совхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 83,23 процент, шу жумладан машина терими планини 96,34 процент бажарган ва октябрь ойининг иккинчи беш кунлигида давлатга пахта топширишда йиллик планнинг 13,28 процент, шу жумладан машина теримида 16,24 процент ўсишни таъминлаган.

Байроқ шу райондаги 1-«Пискент» совхозидан олиб берилади.

Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхозга (раиси Бойбўтаев, партия ташкилотининг секретари Тунгатов, касаба союз ташкилоти раиси Бектоев, комсомол ташкилотининг секретари Булутбоев ўртоқлар). Бу колхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 109,36 процент, шу жумладан машина терими планини 116,06 процент бажарган ҳамда октябрь ойининг иккинчи беш кунлигида давлатга пахта топширишда йиллик планнинг 26,79 процент, шу жумладан машина теримида 28,18 процент ўсишни таъминлаган.

Байроқ Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоздан олиб берилади.

Коммунистик районидаги «Правда» колхозига (раиси Нишонбоев, партия ташкилоти секретари Ўтамалиев, касаба союз комитети раиси Ибраев, комсомол ташкилотининг секретари Рисқибоев ўртоқлар). Бу колхоз давлатга пахта сотиш йиллик планини 102,12 процент, шу жумладан машина терими планини 98,02 процент бажарган ҳамда октябрь ойининг иккинчи беш кунлигида давлатга пахта топширишда планнинг 21,96 процент, шу жумладан машина теримида 20,26 процент ўсишни таъминлаган.

Байроқ Бекобод районидаги Ленин номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Пискент районига, Пискент районидаги 2-«Пискент» совхозига, Ғалаба районидаги Ҳамза номли колхозга, Коммунистик районидаги «Правда» колхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

* * *

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети пахта йиғим-теримини ташкил этиш бўйича шаҳарлар, сабзавотчилик районлари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари ва ўқув юртлари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йил октябрь ойи иккинчи беш кунлиги якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг қўчма Қизил байроғи **Ангрен шаҳрида** (шаҳар партия комитетининг секретари Орифжонов, шаҳар ижроия комитетининг раиси Бабкин, шаҳар комсомол комитетининг секретари Муҳаммаджонова ўртоқлар) қолдирилди. Бу шаҳарда ишчи-хизматчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ҳамда ҳар бир киши ҳисобига кунига ўртача 49,8 килограммдан пахта терилиши таъминланган.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Тошкент районига (район партия комитетининг секретари Толипов, район ижроия комитетининг раиси Худайберганов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Тошпўлатов, район комсомол комитетининг секретари Ғозиев ўртоқлар). Бу районда меҳнаткашларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ҳамда ҳар бир киши ҳисобига кунига ўртача 34 килограммдан пахта терилиши таъминланган.

Байроқ Бўстонлиқ районидан олиб берилади.

Ўрта Чирчиқ районидаги Низомий номли 30-ўрта мактабга (директори Убайдуллаев, маҳаллий комитет раиси Сергеева, комсомол ташкилотининг секретари Худойқулова ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ҳамда ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 96,2 килограммдан пахта терилиши таъминланган.

Байроқ Чиноз районидаги 10-ўрта мактабдан олиб берилади.

Оҳангарон районидаги Шеробий номли 26-ўрта мактабга (директори Ҳолиқов, партия ташкилоти секретари Исроилов, маҳаллий комитет раиси Муллағалиева, комсомол ташкилоти секретари Бекматов ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ҳамда ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 103,3 килограммдан пахта терилиши таъминланган.

Байроқ Тошкент районидаги 21-ўрта мактабдан олиб берилади.

Чирчиқ шаҳридаги Маяковский номли 6-ўрта мактабга (директори Носиров, партия ташкилоти секретари Ғуломназарова, маҳаллий комитет раиси Ефимова, комсомол ташкилоти секретари Нурова ўртоқлар). Бу мактабда ўқувчиларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ҳамда ҳар бир ўқувчи ҳисобига кунига ўртача 77,3 килограммдан пахта терилиши таъминланган.

Байроқ Янгиобод шаҳридаги Гагарин номли 7-ўрта мактабдан олиб берилади.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига (ректори Шайхов, партия ташкилоти секретари Мақсудов, маҳаллий комитет раиси Жалилов, комсомол ташкилоти секретари Тошматов ўртоқлар). Бу институтда студентларни пахта теримига жалб этиш топшириғи бажарилган ҳамда ҳар бир студент ҳисобига кунига ўртача 80,4 килограммдан пахта терилиши таъминланган.

Байроқ Ангрен медицина билим юртидан олиб берилади.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Оҳангарон районига (район партия комитетининг секретари Икромов, район ижроия комитетининг раиси Қосимов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Давронов, район комсомол комитетининг секретари Бобохўжаев, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Матибрагимов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори Сулаймонов ўртоқлар). Бу районда давлатга сабзавот сотиш йиллик топшириғи 111,7 процент, картошка сотиш топшириғи 85,8 процент, ҳўл мева сотиш топшириғи 184,6 процент, полиз маҳсулотлари сотиш топшириғи 102,2 процент, узум сотиш топшириғи 106,4 процент бажарилган ҳамда сентябрь ойининг иккинчи ярмида сабзавот сотиш бўйича йиллик планга нисбатан 13,2 процент, ҳўл мева сотиш бўйича 14,2 процент, узум сотиш бўйича 54 процент ўсишни таъминлаган.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Оҳангарон районига, Коммунистик районидаги Охунбобоев номли совхозга, Бўстонлиқ районидаги «Қизил ту» колхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

Сирдарё областининг Боровшилов районига, Жиззах областининг қўриқ Октябрь районига, Қашқадарё областининг Муборак районига, Наманган область Косонсой районидаги Худойбердиев номли совхозга, Жиззах область Октябрь районидаги С. Раҳимов номли 29-қўриқ совхозга, Сурхондарё область Шеробод районидаги «Партия XXV съезди» совхозига;

Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхозига (раиси А. Обидов, партия ташкилоти секретари М. Холиқова, касаба союз комитети раиси Р. Умурзоқов, комсомол комитети секретари Ж. Мамбетов). Бу колхозда пахта тайёрлаш плани 83,07 процент, машина терими плани 89,12 процент бажарилган ва ўн кунликда пахта тайёрлашда йиллик планнинг 49,21 процент ўсишга эришилган.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Оҳангарон районига (район партия комитетининг секретари Икромов, район ижроия комитетининг раиси Қосимов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Давронов, район комсомол комитетининг секретари Бобохўжаев, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Матибрагимов, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори Сулаймонов ўртоқлар). Бу районда давлатга сабзавот сотиш йиллик топшириғи 111,7 процент, картошка сотиш топшириғи 85,8 процент, полиз маҳсулотлари сотиш топшириғи 184,6 процент, узум сотиш топшириғи 102,2 процент, ҳўл мева сотиш топшириғи 106,4 процент бажарилган ҳамда сентябрь ойининг иккинчи ярмида сабзавот сотиш бўйича йиллик планга нисбатан 13,2 процент, ҳўл мева сотиш бўйича 14,2 процент, узум сотиш бўйича 54 процент ўсишни таъминлаган.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Оҳангарон районига, Коммунистик районидаги Охунбобоев номли совхозга, Бўстонлиқ районидаги «Қизил ту» колхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.



ПАХТАКОРЛАРНИНГ МЕҲНАТ РАПОРТЛАРИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ район меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 12 октябрда пахта тайёрлаш планини бажардилар. Давлат қабул пунктларига 45 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Унинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Ялпи ҳосилнинг 93 процентга машиналарда терилди. Ҳар бир терим агрегатининг мавсум бошидан бери ўртача иш унуми 137 тоннани ташкил этди.

Районнинг баракали пахта хирмонига Энгельс номли, Охунбобоев номли, «Партия XXII съезди», Свердлов номли, Ленин номли, Терешкова номли колхозлар аъзолари, айниқса, катта ҳисса қўшдилар. Улар пахта тайёрлаш планини биринчилар қаторида бажариб, ҳозиргача ҳар гектар майдондан 32—35 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдилар.

Энгельс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Кан О Нам бошлиқ бригадаси коллективи пахта ҳосилдорлигини 56 центнерга етказиб, социалистик мажбуриятини ҳам бажариб қўйди. Охунбобоев номли колхоздан Ш. Мамбетов, Ю. Султонов, Свердлов номли колхоздан Ф. Тожиқулов, А. Сандакбаров, Энгельс номли колхоздан Ж. Озиқов, А. Кан, «Партия XXII съезди» колхозидан Ш. Комилов, С. Йўлдошевлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 36—40 центнердан зиқмон кўтаришди.

Машиналардан унумли фойдаланган илғор механик-ҳайдовчилардан А. Ҳасанов, М. Меҳриев, Ж. Нуров, Э. Рўзиев, Б. Нурмев ва бошқалар мавсум бошидан бери 210—280 тоннадан «оқ олтин» териб қўйдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган район меҳнаткашлари Ватанга 50,5 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш юзасидан олган мажбуриятларини 25 октябргача бажариш учун курашмоқдалар.

Машиналардан унумли фойдаланган илғор механик-ҳайдовчилардан А. Ҳасанов, М. Меҳриев, Ж. Нуров, Э. Рўзиев, Б. Нурмев ва бошқалар мавсум бошидан бери 210—280 тоннадан «оқ олтин» териб қўйдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган район меҳнаткашлари Ватанга 50,5 минг тонна «оқ олтин» армуғон этиш юзасидан олган мажбуриятларини 25 октябргача бажариш учун курашмоқдалар.

Энгельс номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Кан О Нам бошлиқ бригадаси коллективи пахта ҳосилдорлигини 56 центнерга етказиб, социалистик мажбуриятини ҳам бажариб қўйди. Охунбобоев номли колхоздан Ш. Мамбетов, Ю. Султонов, Свердлов номли колхоздан Ф. Тожиқулов, А. Сандакбаров, Энгельс номли колхоздан Ж. Озиқов, А. Кан, «Партия XXII съезди» колхозидан Ш. Комилов, С. Йўлдошевлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 36—40 центнердан зиқмон кўтаришди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхознинг Бектурган Абдулхайров бошчилик қилаётган 9-бригадаси пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишмоқда. Ҳосил йиғим-теримида механизаторларнинг ҳиссаси айниқса, катта бўлаётир. Суратда: бригаданинг илғор механик ҳайдовчиси Нормуҳаммад Ҳолжонов. У мавсум охиригача ўз агрегати билан 200 тонна пахта териб бермоқчи.

А. Мальцев фотоси.

АНЪАНАГА СОДИҚМИЗ

БЕПОЁН пахтазорларда «оқ олтин» чамани. Чаноқларда кўпириб тошган лўппи-лўппи пахталар кексаюшёшини ўзига ром этиб, йиғим-теримга ундайди. Касб—кориган қатъий назар ҳар бир қишлоқ киши ўзини пахтакор деб ҳис этиб, ёрдамга ошиқаётир.

Бизнинг авто-таксопаркимиз ходимлари ҳам ҳар йилгидек, пахтакорларга кўмаклашишни бардавқат бошлаб юборишган. Эллиқта автобус Бўка районининг барча ва Ангрен шаҳар корхоналари ишчи-хизматчиларидан иборат ҳашарчиларни ҳар куни пахтазорларга олиб бориб, кечқурунлар яна қайта элтиб қўймоқда. Шу кунгача 25 мингдан зиёд шаҳарлик ҳашарчиларга транспорт хизмати кўрсатилди.

Коллективимиз аъзолари фақат транспорт хизмати кўрсатиб қолмай, теримда ҳам амалий ёрдам бераётирлар. Ишчи-хизматчиларимиздан 80 киши 20 кундан бери Ильич номли колхоз даладарида пахта теришяпти. Улар хўжалик хирмонига 100 тоннага яқин дурдона тўкдилар.

Мусурмон Худойбердиев, Муҳаммадали Арслонов, Турсунали Иноқов, Фозил Эргашев сингари ходимларимиз бир кунда 80—90 килограммдан пахта териб, колхозчиларнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Корхонамиз инженери Ҳамбарали Ўмаров одатига кўра бу йил ҳам колхознинг «зангори кема» капитанлари сафига қўшилди. Кўп йиллик тажрибага эга бўлган механик-ҳайдовчилардан қолишмай, кунига 8—9 тоннадан пахта тераяпти. Унинг ҳозиргача хўжалик хирмонига тўккан пахтаси 120 тоннадан ошиб кетди.

Бўка район меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшган коллективимиз, терим суръатини бўшаштирмай, ҳашарни давом эттиряптилар.

А. КАСПАРОВ,
Бўка районидаги автотаксомотор паркининг директори.

110 МИНГ ТОННА САБЗАВОТ УЧУН

ТОШКЕНТ РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ПЛАННИ БАЖАРИБ, ЮКСАК МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА МАҲСУЛОТ ТОПШИРМОҚДАЛАР

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга оширш учун курашаётган Тошкент район қишлоқ хўжалиги ходимлари 10 октябрда давлатга сабзавот сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Эл дастурхонига 94,1 минг тонна сабзавот маҳсулотлари тортиқ қилинди. Давлатга 19 минг тонна картошка, 6,5 минг тонна мева, 8 минг тонна узум сотилиб, бу соҳадаги йиллик планлар ҳам анча оширилди ado этилди. Район меҳнаткашлари давлатга дон, пилла ва бошқа маҳсулотлар сотиш планларини ҳам бажариб қўйганлар.

Бу муваффақиятларга Навоий номли, С. Раҳимов номли, Ильич номли, К. Маркс номли, Ленин номли колхозлар аъзолари, айниқса, катта ҳисса қўшдилар.

Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан район қишлоқ хўжалиги ходимлари давлатга планга қўшимча равишда 3 минг тонна картошка, 16 минг тонна сабзавот маҳсулотлари, 200 тонна узум сотиш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилдилар. Бу ўн биринчи беш йиллиқнинг дастлабки йилида давлатга сабзавот сотиш умумий ҳажмини 110 минг тоннага, картошкани 22 минг тоннага, мевани 6,6 минг тоннага ва узумни 8,2 минг тоннага етказиш имконини беради.

Ўн биринчи беш йиллик дастлабки йилининг катта пахта хирмони учун кураш давом этмоқда. Республика пахтакорлари мусобақасида пойтахт области меҳнаткашлари пешқадамлик қилишяпти. Яқин кунлар ичида Ватан 435 минг тонна Тошкент «оқ олтин»ини қабул қилиб олади. Бу КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларига амалий жавоб бўлади.

Район партия комитетлари ва хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари теримда идеология ишининг барча формаларидан самарали фойдаланмоқдалар. Коммунистлар социалистик мусобақа таъсирчанлигини ошириш, теримни бир маромда ташкил этиш, илғорлар тажрибасини пропаганда қилиш, деҳқонларга барча зарур шароитларни яратиб бериш борасида кўпгина ишларни амалга оширишмоқда. Ҳозирги кунда партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари олдида турган асосий вазифа қишлоқ меҳнаткашларини маънавий жиҳатдан ҳар тарафлама руҳлантириш, оммавий-сиёсий ишлар маркази ҳисобланган дала шийпонларига ўз вақтида ва вақтли матбуот нашрларини етказиб бериш дан иборатдир.

Ҳар бир хонадонда, ҳар бир бригада, хўжаликда, ҳар бир дала шийпонида газетани орзиқиб кутадилар. Шу кунларда пахтакорлар сафига 10 минглаб шаҳарлик ҳашарчилар келиб қўшилганлигини ҳисобга олсак, дала шийпонларига газета ва журналларни етказиб беришни тезлаштириш янада муҳим иш бўлиб қолганлигини чуқурроқ ҳис қиламиз.

Яқинда биз тўртта районда бўлиб, газеталарнинг республика газета-журнал экспедициясидан дала шийпонигача бўлган йўлни қандай тезликда босиб ўтаётганлигини кузатдик. Хулоса шуки, газеталар дала шийпонига етиб боргунча кўпгина тўсиққа учрамоқда.

Республика газета, журнал экспедициясидан матбуот нашрлари ортилган машиналар район алоқа тармоқларига умуман олганда белгиланган вақтда етиб келмоқда.

— Бугун, — дейди Янгийўл район алоқа тармоғининг бошлиғи Ш. Шониятов, — машиналар соат 8 яримда келди. Тўғри, баъзида газета ва журналлар кеч келадиган пайтлар ҳам бўлади. Лекин, асосий қийинчиликлар бевосита райондан хўжаликларга газета етказиб беришда юзага келмоқда. Жумладан, Янгийўлдаги 107-автобаза биз учун ажратаётган учта машина кўпинча бузилиб сафдан чиқади, натижада газеталарни етказиб бериш кечикади.

Районга келган кунимиз алоқа тармоғи ходимлари соат 11 дан 20 минут ўтгандагина хўжаликларга газеталарни жўнатишди.

— Нега кечикишди?— деб сўраймиз район алоқа тармоғи бошлиғидан.

— Сараловчилар етишмаяпти, — жавоб қилди Ш. Шониятов. — Бугун бор йўғи бир киши ишлаяпти. Бундан ташқари почтальонлар пенсионерларга нафақа пулларни ҳам етказиб беришлари керак. Банк эса соат 10 дан иш бошлайди.

Хўжаликларга газета олиб кетган машиналар изидан бордик. Калинин номли колхоз территориясидаги Кирсадак алоқа бўлимида почтальон Ҳасан Кўзибековни учратдик. У хўжаликнинг биринчи ва иккинчи бригадалари дала шийпонлари учун газеталарни саралаётган экан.

— 1-бригадага тушда газеталар етказиб бераман, — дейди у, — Иккинчисига эса кечки томон бораман. Тезроқ етказиб бериш ҳам мумкин эди-ю, моторли велосипед ишламаяпти.

Кундуз соат 2 да Ленин номли колхознинг Ниёзбош алоқа бўлимига газеталар ҳали келтирилмаган эди. Ваҳоланки, алоқа тармоғидан бўлимгача айтарли узоқ эмас. Бўлимда айтишларича хўжаликнинг 22 та дала шийпони, дан 12 тасига шу ердан газета етказиб берилар экан. 2 та почтальон эса матбуот нашрларини ўз вақтида шийпонларга олиб боришга анча қийналади.

15-бригада дала шийпонида ҳисобчи Мирзакарим Абдукаримов гапнинг очиғини айтиб қўя қолди.

— Бизнинг шийпонга почтальонлар келишмайди. Кечқурун газеталарни йиғиб эрталаб дала шийпонига ўзимиз олиб келамиз.

— Умуман бизда газеталар ўз вақтида етказиб берилмайди, — суҳбатга қўшилди механизатор Назарали Қирғизов. — Уйга ҳам орадан бир кун, баъзида эса бундан ҳам кўпроқ вақт ўтказиб олиб келишади...

Чиноз район алоқа тармоғи. Бу ерда тармоқ бошлиғи Раҳмон Зокиров гапни ҳасратдан бошлади.

—Бизга ҳам Янгийўлдаги 107-автобазанинг иккита машинаси хизмат қилади. Кейинги бир ҳафта ичида машиналар икки марта бузилиб қолди. Оқибатда газеталар қолиб кетди. Мана бугун ҳам шундай бўлди. Иккинчи машинани алоқа бўлимларига соат 13 дан 20 минут ўтгандагина юбора олдик, холос.

Шу куни Охунбобоев номли колхозга газеталар тушгача олиб келинмади. Энгельс номли колхозга эса кеч соат бешларга бориб газета келди. Бу дала шийпонларига газеталар орадан бир кун ўтказиб жўнатилишига олиб келяпти.

— Алоқа бўлими машиналари йўл-йўлакай дала шийпонларига газеталарни ташлаб ўтса бўлмасмикин?

Р. Зокиров ўйланиб қолди.

— Машиналар бўлимларга газетани ташлаб қайтаётганларида бу ишни амалга ошириса бўлади, — дейди Тошкент область алоқа ишлаб чиқариш техника бошқармаси почта алоқаси хизматининг бошлиғи Н. М. Проскурякова. — Бу билан газеталар шийпонларга анча эрта етказиб берилишига эришиш мумкин.

Янгийўл, Ўрта Чирчиқ ва Коммунистик район алоқа тармоқлари бошлиқлари ҳам бу фикрга қўшилдилар. Дарҳақиқат, машиналардан унумли фойдаланиш газеталарни кўпгина дала шийпонларига эртароқ етказиб бериш имконини яратади.

Ўрта Чирчиқ район алоқа тармоғида икки киши саралаш ишлари билан машғул. Лекин улар бемалол газеталарни белгиланган вақтда саралашга улгуришяпти. Ваҳоланки, Янгийўл ва Коммунистик район алоқа тармоқларида бундан кам ҳажмдаги ишларга кўпроқ вақт сарфланаётганлигининг гувоҳи бўлганмиз.

— Барча алоқа бўлимларида дала шийпонлари рўйхати тузилган, — дейди Ўрта Чирчиқ район алоқа тармоғи бошлиғининг ўринбосари З. И. Восикова.— Шийпонлар учун ажратилган газеталар ўз вақтида жўнатилмоқда.

Колхоз правлениелари газеталарни ўз вақтида олишмоқда. Лекин матбуот нашрлари правлениедан бевосита дала шийпонларига боргунча анчагина вақт ўтиб кетяпти. Кўпинча газеталар правлениеда қалашиб ётади. Ўрта Чирчиқ район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори Л. Ким ҳам буни кўрди.

—Энгельс номли колхоз 12-бригадаси дала шийпони билан танишамиз. Бу ерда деҳқонлар учун барча шароитлар яратиб берилган. Дала шийпонининг бинеси жуда чиройли ва шинам, кутубхона ишлаб турибди, газеталар мунтазам тахлаб борилади.

— Лекин бизга ҳам газеталарни кўпинча кечикиб олиб келишмоқда, — деди дала шийпони мудири М. Сафарова, — масалан кеча газета келтирилгани йўқ. Бугунгиларни қачон олишимизни ҳам билмаймиз.

Карл Маркс номли колхоз 2-бригадаси дала шийпонида бутунлай аксинча манзарага дуч келдик. Территория тозаланмаган, шийпонда кўргазмали агитация воситалари ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. «Совет Ўзбекистони», «Қишлоқ ҳақиқати», «Тошкент ҳақиқати» газеталари бу ерга охирги марта сентябрь ойида келтирилганга ўхшайди. Улар ўз вақтида тахлаб борилмаган. Шийпонга газета етказиб бериш билан ҳеч ким жиддий шуғулланмаяпти. Колхоз правлениесида биз дуч келган манзара эса яна ҳам ачинарли. Бу ерда дала шийпонларига жўнатилиши лозим бўлган жуда кўп газеталар сентябрь ойидан бери тўпланиб ётибди. Хўжалик партия комитетининг секретари З. Б. Пўлатов бу муҳим ишни ташкил этишга кўпроқ эътибор бериши керак.

Биз хўжаликнинг 5-бригадаси дала шийпонида ҳам шу аҳволни кўрдик.

— Коммунистик район партия комитетининг секретари Н. А. Кузнецова бошидаёқ тан олиб қўя қолди:

— Афсуски, газеталар 2—3 кун кечикиб шийпонларга етказилмоқда. Сабаби, почтальонлар етарлича тезкорлик кўрсатишмаяпти. Дала шийпонларига газеталарни бригада бошлиқларининг ўзлари олиб борадилар.

Албатта, бригада бошлиқлари йўл-йўлакай газеталарни ўзлари билан олиб кетсалар бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ.

Бундан буён бригадирлардан ташқари участка бошлиқларини ҳам бу ишга жалб этиш керак. Уларнинг ўз транспорт воситалари бор...

Хулоса шуки, газеталарнинг дала шийпонларига ўз вақтида етказиб беришни таъминлашдаги барча қийинчиликларни енгиш мумкин. Фақатгина район партия комитетлари, хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари, дала шийпонларининг мудирлари, барча активлар газеталарни пахтакорларга етказиб беришни тезлаштириш имкониятларини чуқурроқ ўйлаб кўришлари лозим. Айрим имкониятлар ҳақида биз гапириб ўтдик.

Газета-журналларнинг янги сонларини дала шийпонларига вақтида етказиб бериш район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, район алоқа тармоқлари ва бўлимлари учун жанговар вазифа бўлиб қолмоғи лозим.

П. БОРЩЕВ,
«Ташкентская правда» газетасининг махсус мухбири.
А. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» газетасининг махсус мухбири.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАҚТИДА ОЛАЯПСИЗМИ?

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ РЕЙДИ

...КЎРГАН АФЗАЛ

Ҳар бир соҳа, ҳар бир ишнинг қизғин ва осуда палласи бўлади. Туризм ташкилотлари учун июнь-июль-август «қўл-қўлга тегмайдиган» ойлардир.

Область касаба союзлари Советининг чет эл туризми билан шуғулланувчи бўлим ходимлари бу йил ёзда айниқса тиним билмадилар. Узоқ сафарга отланиш истагида бўлганлар ҳар қачонгидан кўп эди.

— Тўққиз ой ичида областимиз шаҳар ва районларидан икки мингдан зиёд киши чет элларга бориб келди, — дейди бўлим мудири Х. Ф. Мақсумов.— Туристларнинг ярмидан кўпи ишчилар ва колхозчилар, 500 га яқини коммунистик меҳнат зарбдорлари эди. Саёҳатга борганларнинг ҳар тўрт кишидан уч нафари биринчи марта хорижга чиққан кишилар бўлди.

Бу рақамдар кичкина бўлим ходимлари зиммасида қанчалик катта, масъулиятли вазифалар турганлигини кўрсатади. Саёҳатчиларнинг группаларини туза билиш, туристларнинг ҳар бири учун керакли ҳужжатлар, билетларни расмийлаштириш, борилажак мамлакатлар, уларнинг халқлари ҳаёти, турмуш тарзлари ҳақида маълумотлар бериш, сафар давомида мислсиз катта юкларга эришганликларини матбуот материаллари, телевидение орқали билиб беҳад қувонган эдик.

Мана энди қардош халқнинг ҳаёти ва турмуши, ўзига хос табиати билан бевосита танишиш, ҳаммасини кўзимиз билан кўриш имконини туғилди. Уз кўзинг билан кўриш эса эшитгандан минг марта афзал.

Шундай қилиб, «Иркутск—Улан-Батор» поезди эрталаб қардош мамлакат пойтахтига кириб келди. Вокзалда одамлар кўп. Ҳаммаёқда чиройли панно, шиорлар, алвон байроқлар, уларда «Найрамдал» — «Дўстлик» сўзи кўзга ташланади.

Биз келган поезд ҳам «Найрамдал» деб аталади.

Катта қулай автобуслар меҳмонларни кутиб турибди. Улар туристларни пойтахт номига қўйилган «Улан-Батор» меҳмонхонаси томон олиб кетади. Улан-Батор — «Қизил ботир» дегани. Пойтахт Тола дарёсининг хушманзара водийсига жойлашган. Кенг асфальт кўчаларидан ўтиб борар экансиз, йўл бошловчимиз ўнг ва сўлдаги катта биноларни, иншоотлар, манзилларни тушунтириб беради: машина-ремонт заводи, уйсозлик комбинати, революция музейи, тасвирий санъат музейи, Давлат опера ва балет театри, цирк, эл-чихоналар...

Дарвоқе, Монголия жаҳоннинг 85 мамлакати билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Бу мамлакатларнинг вакиллари ҳаммаси шаҳар марказидаги ўз шинам қароргоҳларида иш олиб бормоқдалар, яшамоқдалар.

Туристлар дастлаб шаҳар ёнбошидаги Зайсан тоғи томон кўтариладилар. Тиқ этиб турган замонавий иморатлар — Монгол халқининг озодлиги ва бахти учун ҳаётини бағишлаган қаҳрамон совет жангчилари хотирасига ўрнатилган улуғвор ёдгорлик олдига олиб чиқади. Ёдгорлик пойига эҳтиром билан гулчамбарлар қўямиз.

Бу ердан шаҳарнинг ажойиб панорамаси кўринади. Шу ерда, тепаликда туриб эски ва янги шаҳарни, қадимий анъаналар билан замонавийлик жуда уйғунлашиб кетганлигини яхши сезиш мумкин: пастда оппоқ монгол юртолари, учлари қайрилган будда ибодатхоналари-ю, Ишчи районининг саноат корхоналари, тўрт-беш қаватли квартилларининг кўп қаватли бинолари. Сухэ-Батор номидаги Марказий майдон тўрт бурчак шаклида ажралиб турибди. Унинг икки тарафига МХР пойтахти — мамлакатнинг саноат, маъмурий, маданий ва илмий маркази ястанган.

— Шаҳарга асос солинганига салкам 350 йил бўлган. Лекин Улан-Батор эллигинчи йиллардан кейин замонавий шаҳар тусини ола бошлади, — деб ҳикоя қилиб беришди бизга.

25 йил бурун тасдиқланган бош план асосида шаҳар энди-энди қурилмоқда. Сўнгги йилларда бир қатор саноат корхоналари: ТЭЦ, гўшт комбинати, ёғочни қайта ишлаш комбинати, гилам фабрикаси, чинни буюмлари заводи, ун комбинати, пойабзал фабрикаси ва бошқа объектлар ишга тушди. Ҳаммадан ҳам уй-жой қурилишлари жадал бормоқда.

— Мана бу оқ гиштин уйларни сизларнинг бинокорларингиз қуриб беришди, — дейди экскурсовод.— Бутун бир микрорайонни совет халқи бизнинг 60 йиллик байрамимизга совға қилиб берди. Совет дўстларимиз янги беш йилликда маданий-маиший объектлари бўлган 390 минг квадрат метр турар-жойни қуриб беришга ваъда қилганлар.

— Бизда ўтган йили 57 миллион аҳолиси бўлган Италиядагидан кўп квартира қурилди. Қурилишларнинг жадал миқёсини ўзингиз ана шундан тасаввур этишингиз мумкин, — деб ҳикоясини якунлайди ҳамроҳимиз.

Улан-Батор шаҳри фақат қурилишлар шаҳри эмас. Бу мамлакатнинг улкан маданият, илм-фан маркази ҳамдир. Бизга қизиқ маълумотларни айтиб беришди. 1921 йили пойтахтда биринчи мактаб очилганда бор-йўғи 40 ўқувчи ва икки нафар ўқитувчи бўлган экан. Ҳозир шаҳарда университет, олий ўқув юртлари, ўрта махсус мактаблар бўлиб, уларда жами салкам 100 минг ўғил-қиз таълим олмоқда. Бошқача қилиб айтганда, улан-баторликларнинг ҳар уч нафаридан бири ўқимоқда. Бизга ҳамроҳлик қилган Соёмбо, Хулан ҳам Улан-Батор Давлат университетида ўқишади. Улар филология факультетининг битирувчиларидир. Бу факультетдаги ёшларнинг аксарияти таржимонлик, гидлик қилишади. Улар рус тилини яхши билишади. Кўплари Совет Иттифоқида бўлишган. Хулан Ўзбекистонда ҳам бўлган экан. Унинг Тошкент, Андижон, Наманган ва Ўш шаҳарларидан олган таассуротлари унутилмасдир.

МХР пойтахтида музейлар кўп. Шулардан бири — Давлат Марказий музейини қизиқиб томоша қилдик. Унинг бой экспонатлари халқнинг тарихи, қадимий маданияти, одатлари ва анъаналари билан, ранг-баранг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан таништиради. Бу ерда «бақайбат калтакесаклар» — динозаврларга оид кўпгина экспонатлар қўйилган. Ҳали ҳануз олимларни ажаблантириб келаётган ер юзидаги энг катта бу маҳлуқлар 65 миллион йил бурун йўқолиб кетган бўлишига қарамай, уларнинг қолдиқлари тез-тез топилиб турибди. Бу ҳайвонларга оид маълумотлар фақат мутахассисларнигина эмас, табиат ва тарих ишқибозларини ҳам қизиқтиради.

Кейинги йилларда монгол ва совет палеонтологлари биргаликда тадқиқотлар қилиб, динозаврлар ҳаётига оид янги маълумотлар йиғдилар. Бутун дунёдаги ўн икки хил йиртқич динозаврлардан саккиз хили шу мамлакат территориясида яшаган экан. Уларнинг аксарияти Гоби чўлларини макон этган.

Сафаримиз давомида Жанубий Гобига ҳам боришимизни билиб, навбатдаги куни орзиқиш билан кутардик.

С. МУСАЕВ.

(Давоми бор).

Монголия таассуротлари





Суратларда: (юқоридан) табиат мўъжизаси — энг катта тош тошбақа; Улан-Батордаги Богдо хон музей-қасри. Автор фотолари.

Реклама ва эълонлар

ОТПУСКАГА САМОЛЁТДА...

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Турист

ПАЛАНГА—ШАУЛЯЙ — 19 октябрдан 15 кунга. Баҳоси—338 сўм.

ВИЛЬНЮС—РИГА—ТАЛЛИН—21 ноябрь, 6 декабрдан 19 кунга. Баҳоси—280 сўм.

ЛЕНИНГРАД—ВИЛЬНЮС—13 декабрдан 11 кунга. Баҳоси—240 сўм.

ПЯРНУ—МОСКВА — 12 декабрдан 15кунга. Баҳоси — 366 сўм; 16 декабрдан 15 кунга. Баҳоси—309 сўм.

МОСКВА—ЮРМАЛА—13 ноябрдан 11 кунга. Баҳоси—311 сўм.

ЛЕНИНГРАД—ТАРТУ—2 ноябрдан 14 кунга. Баҳоси—291 сўм.

МОСКВА—МИНСК — ВИЛЬНЮС—ТАЛЛИН (айланма маршрут)—6 декабрдан 14 кунга. Баҳоси—288 сўм.

ЛЕНИНГРАД (Репино)—10 декабрдан 10 кунга. Баҳоси — 214 сўм.

МОСКВА—ЛЕНИНГРАД—4 декабрдан 15 кунга. Баҳоси—300 сўм.

КИЕВ—МОСКВА—19 ноябрь, 20 декабрдан 15 кунга. Баҳоси—315 сўм.

МОСКВА—ПСКОВ — НОВГОРОД — ЛЕНИНГРАД — ВИБОРГ (айланма маршрут)—1 декабрдан 14 кунга. Баҳоси—268 сўм.

КИСЛОВОДСК—30 октябрдан 20 кунга. Баҳоси—228 сўм.

БАТУМИ—15 октябрдан 20 кунга. Баҳоси—232 сўм.

СОЧИ—16, 27 октябрдан 20 кунга. Баҳоси—265 сўм; 6, 27 ноябрдан 20 кунга. Баҳоси—285 сўм.

ЯЛТА—26 октябрдан 20 кунга. Баҳоси—295 сўм.

КРАСНОДАР—СОЧИ—21 октябрдан 20 кунга. Баҳоси—275 сўм.

АЛУШТА—21 октябрдан 20 кунга. Баҳоси—272 сўм; 8 декабрдан 20 кунга. Баҳоси—230 сўм.

НОВИЙ АФОН—23 октябрдан 20 кунга. Баҳоси—234 сўм.

АДЛЕР—26 октябрдан 20 кунга. Баҳоси—242 сўм.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Парадлар ҳиёбони, 5-уй. Телефон: 39-13-59.

176-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

токарь-универсал, трактортчи-синовчи (ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади), **техника контролери** бўлими контролери (қизлар қабул қилинади), **электр кўприқли кранларнинг машинисти** (қизлар қабул қилинади), **дурадгор. Ўқиш муддати** —1 йил ва 3 йил;

электр-газ пайвандловчи (дипломли), **электрокара ихтисослиги билан автослесарь** (ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади), **автослесарь, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, слесарь-асбобсоз. Ўқиш муддати**—3 йил;

электр пайвандловчи, штамповначи, бўёқчи-сувоқчи. Ўқиш муддати—6—10 ой.

6—10 ой муддат билан ўқийдиганлар стипендия оладилар. Таълимнинг 3 йиллик муддати билан ўқитиладиган группаларда ўқийдиганларга ўрта махсус маълумот тўғрисида диплом берилади.

Барча ўқувчилар бепул овқат билан таъминланадилар.

3 йил ўқийдиганлар эса—кўчалик ва иш кийимлари билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишланган иш ҳақининг 33 процентини тўлашади.

Бошқа шаҳарлардан келганларга секция типидаги шинам жиҳозланган ётоқхоналардан жой берилади.

Ўқиш муддати умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртларига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқини берадиган йўлланма билан ўқишга юборилади лар. Қолганлар эса исталган олий ўқув юртининг кечки ва сиртқи бўлимларига, шу жумладан Тошкент политехника институтининг Трактор заводи қошидаги кечки факультетига имтиёзли шароитда кириш ҳуқуқини оладилар.

Билим юртида техника жиҳатдан ётиб, бадиий ҳаваскорлик, фототўгараклар, спортнинг 14 тури бўйича спорт секциялари, Чорвоқ сув омбори атрофида ёзги дам олиш базаси ишлаб турадди.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур бўлади: ариза, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, характеристика, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), ота-онасининг иш жойидан справка, ота-онасининг аризаси, 6 та фотосурат (3х4 см.).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Трактор заводининг биринчи массиви (1-«а», 16, 24-автобусларнинг охирги бекати). Телефонлар: 64-69-42, 64-69-40.

РЕФЕРАТЛАР УЧУН КОНКУРС

Мактаб ўқувчиларини тарбиялашга комплекс ёндашиш кўп масалаларни ўз ичига олади. Бу ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан педагог кадрларнинг тажрибаси ва ташаббускорлигига боғлиқдир. Шу билан бирга бу масалаларни ҳал этишда ўқитувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари ҳам муҳим ўрин тутади.

Ёш педагогларнинг бу ҳақдаги фикрлари бўйича рефератлар ёзиш юзасидан республика конкурсини ўтказишга қарор қилинди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги томонидан белгиланган мазкур тадбир ВЛКСМ XIX съезди, Ўзбекистон ЛКСМ XXII съезди ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 60 йиллигига бағишланди.

Республика конкурсининг ғолиблари Фахрий Ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Шу билан бирга улар ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Энг яхши комсомол ўқитувчиси» нишонига тақдим этиладилар.

А. АКБАРОВ.

ЖЭКЛАРГА ТРЕНЕРЛАР

Жойларда спорт ишларини кенг йўлга қўйишда оталиқ ташкилотларининг ёрдами каттадир. Бундай хайрли ишга Ўзбекистон Давлат физкультура институти ҳам яқиндан бош қўшиб келмоқда.

Пойтахтимизнинг деярли барча районларидаги турар-жойлардан фойдаланиш бошқармаларига қарашли спорт майдончалари ишини намунали йўлга қўйиш мақсадида олий ўқув юрти комсомол комитети қатор муҳим тадбирларни белгилади. Шу билан бирга ЖЭКлар студентларда иборат жамоатчи тренерлар билан етарли таъминланди.

Шаҳримиздаги энг намунали билим ўчоғи — 110-мактаб ҳам институт оталигига берилди. Бу ерда олий ўқув юрти ёрдами билан йирик спорт базаси ташкил этилмоқда. Келгусида у шаҳримиздаги мактаблар учун спортнинг илғор тажриба марказига айланади.

А. АЛИЕВ.

Дунё овози

СССР ҲУКУМАТИНИНГ АҚШ ҲУКУМАТИГА БАЁНОТИ

Кейинги кунларда Америка Қўшма Штатлари суверен давлат — Миср Араб Республикасига нисбатан кўпол тазйиқ қилмоқда. АҚШнинг ҳарбий кемалари Миср қирғоқларига юборилганлиги, Ўрта Денгиз районида турган денгиз пиёда қўшинларининг қисмлари, шунингдек АҚШ территориясида жойлашган «тез ҳаракат қилувчи кучлар» деб аталган кучлар оширилган жанговар тайёрлик ҳолатига келтирилганлиги фақат шундай баҳоланиши мумкин. Америка расмий доиралари баёнот бериб, аслида мисрликларга қандай иш тутиш кераклигини белгилаб қўйишга уринаётганликлари асло йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир.

У ёки бу давлатда — ҳозирги шароитда Мисрда содир бўлаётган ҳеч қандай ички воқеалар чет давлатнинг давлатлар ўртасидаги ҳамма қабул этган муносабат нормаларига зид бўлиб тушадиган мана шундай ҳаракат қилиши учун асос бўлиб хизмат қилаолмаслиги мутлақо равшан.

Мисрдаги у ёки у бу воқеа Қўшма Штатларга ёқадими, ёки ёқмайдими, бундан қатъий назар, бу нарса унга мазкур мамлакатга, унинг халқига тазйиқ ўтказиш, дастлабки соатлардан бошлабоқ у ерда содир бўлаётган воқеаларга аралашиш ҳуқуқини бермайди.

Бу ўринда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас: ташқаридан кўпол зўравонлик қилишга ва халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини менсимасликка уриниш содир бўлаётганлиги яққол кўриниб турибди. Агар Қўшма Штатларнинг ҳозир қилаётган ишлари бошқа давлатнинг ички ишларига аралашув бўлмаса, у ҳолда умуман аралашувнинг ўзи нима?

АҚШ ҳукумати Мисрда содир бўлаётган воқеалар муносабати билан ўзи қилаётган ҳаракатлар ҳуқуққа зидгина бўлиб қолмай, шу билан бирга бутун мана шу райондаги хатарли кескинликни кучайтиришини ҳам, англаши лозим.

Буларнинг ҳаммаси АҚШ раҳбарларининг халқаро ишларда вазминлик қилиш ҳамда бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашмаслик тўғрисида неча марталаб берган баёнотларига ҳеч бир қовишмайди, кескинликни юмшатиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида барча давлатлар олдида турган ва БМТ Бош Ассамблеясининг ҳозирги сессияси диққат марказида бўлган вазифага тўғридан-тўғри зиддир.

Совет ҳукумати АҚШнинг Миср Араб Республикаси ички ишларига ҳар қандай тарзда аралашишга уринишини кескин қоралайди. Миср телеварагида содир бўлаётган воқеалар Совет Иттифоқининг хавфсизлиги манфаатларига даҳл қилмай қолаолмайди, шу сабабли у воқеаларнинг ривожини синчиклаб кузатиб боради.

(ТАСС, 12 октябрь).

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

● **ГАВАНА**

1936—1939 йилларда Испания Республикасини ҳимоя қилиш жангларида қатнашган интернационал бригадаларнинг жангчилари бўлмиш бир гуруҳ кубалик ветеранларга Куба давлат кенгаши таъсис этган «Интернационалист жангчи» медали мамлакатда биринчи марта топширилди.

Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, республика Давлат кенгаши ва министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, революцион қуролли кучлар министри Рауль Кастро тантанали вазиятда мукофотларни ветеранларга топширди.

● **БАЙРУТ**

Ахборот агентликларининг хабарларига кўра, Мисрнинг бир қанча районларидаги вазият ҳали ҳам нотинч бўлиб турибди. Қуролли унсурлар билан хавфсизлик кучлари ўртасида қонли тўқнашувлар бўлиб ўтган. Асют шаҳрида яна ўқтин-ўқтин отишмалар чиқиб турибди. Қоҳира билан Асют ўртасидаги телефон алоқаси узилиб қолди. Ҳозирги режимга қарши бўлган кишилар Қоҳира шимолидаги полиция казармаларига ҳужум қилдилар. Бир неча киши ўлди ва жароҳатланди. Темир йўлларда иккита портлаш содир бўлди.

Садатни дафн этишда қатнашган АҚШ давлат секретари Хейг Исроил бош министри билан ҳамда бошқа баъзи мамлакатларнинг раҳбар арбоблари билан учрашди. Сиёсий доираларда давлат секретарининг америкапараст режимлар вакиллари билан учрашувлари АҚШнинг Яқин Шарқдаги ва Африкадаги ўз ҳарбий-сиёсий таъсирини кучайтиришга интилишининг яна бир кўриниши, деб баҳоланмоқда.

Хейгнинг вице-президент Муборак билан учрашуви бўлиб ўтди. Муборак музокараларни «самарали» деб атади ва «биз доимо Қўшма Штатларнинг мададини сезиб турибмиз», деб таъкидлади. Хейг эса «Садатнинг йўли давом эттирилишидан мамнунлигини» изҳор этди.

Пентагон Мисрда ҳарбий машқлар ўтказиш планини ишлаб чиқди. Бу машқлар келгуси ойга мўлжалланди.

● **ТОКИО**

«АҚШнинг Япония территориясидаги ҳарбий базалари йўқотилсин», «Япония—Америка хавфсизлик шартномаси тугатилсин!» деган шиорлар остида Японияннинг Готемба шаҳрида «Япониядаги Америка ҳарбий базаларига қарши кураш масалаларига доир симпозиум» бўлиб ўтди. Уни Япония тинчлик комитети, атом ва водород қуролини таъқиқлаш учун курашувчи Умумяпония кенгаши ҳамда бошқа оммавий ташкилотлар ташаббус кўрсатиб ўтказдилар. Симпозиум қатнашчилари Американинг Япония ороллари-да жойлаштирилган қўшинлари аҳоли учун нақадар хатарли эканлигини уқтириб ўтдилар. Улар мамлакат ҳукуматидан Япония—Америка милитаристик иттифоқини бекор қилишни, Американинг ҳарбий базаларини тугатишни талаб қилдилар.

(ТАСС, 12 октябрь).



МАПУТУ. Мозамбик халқ республикаси пойтахтида анъанавий халқаро савдо-саноат кўргазмаси ташкил этилди. Бу йил кўргазмада СССР, ГДР, Чехословакия, Болгария, Руминия, шунингдек, қатор чет эл саноат компанияларининг экспонатлари намойиш қилинди. СССР экспонатлари «Беларусь» трактори, «Урал» дизель автомобиллари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари зўр қизиқиш билан томоша қилинмоқда.

Л. Ивашкевич фотоси. ТАСС фотохроникаси.

СПОРТ

ДАЪВОГАР ТАНАФФУС ОЛДИ

Жаҳон чемпиони унвони учун даъвогарлик қилаётган Виктор Корчной кечиктирилган тўртинчи ўйинда мағлубиятга учрағанидан сўнг танаффус олди. А. Карпов 3:0 ҳисобида олдинда бормоқда.

Бешинчи партия кеча ўйналди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Олий лига командалари қисқа муддатли танаффусдан сўнг чемпионатнинг навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Грузия пойтахтида маҳаллий ва Киев динамочилари ўртасидаги учрашув шу турнинг асосий ўйини бўлди. Тбилиси футболчилари 3:1 ҳисобида устун келишди. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Таврия» — «Торпедо» — 1:1, «Кубань» — ЦСКА — 2:1, «Арарат» — «Черноморец» —2:3, «Зенит» — «Днепр» — 1:0, «Динамо» (Мн) — «Шахтёр» — 1:1, «Спартак» — СКА — 1:1, «Динамо» (М) — «Нефтчи» — 1:0.

Биринчи лига вакиллари ҳам навбатдаги тур ўйинларини ўтказишди. Жиззахнинг «Бўстон» футболчилари Кемерово шаҳрида «Кузбасс» командаси билан учрашиб, 1:0 ҳисобида устун келишди.

МЕРГАНЛАР ЧЕМПИОНАТИ

Олмаота шаҳрида стендга отиш бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Иирик халқаро мусобақаларда бир неча бор ғолиб бўлган тажрибали мерганлар билан қобилиятли ёшлар баҳслашдилар. Республикамиз вакили Рустам Ямбулатов икки кунги натижаларга кўра 385 очко билан умумий тўртинчи ўринни эгаллади.

Минсклик жаҳоннинг собиқ чемпиони А. Андрошкин 389 очко билан чемпион бўлди.

ИККИНЧИСИДА ҲАМ ҒАЛАБА

«Бинокор» хоккейчилари Москванинг «Локомотив» командаси билан бўлган биринчи ўйинда 3:1 ҳисобида устун келганлигини хабар қилган эдик. Хоккейчиларимиз такрор ўйинда янада ҳужумга зўр беришиб йирик (7:1) ҳисобда ғалабага эришдилар.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ—«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Чевар-Марья. Бадиий фильм. 11.45 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Концерт. 16.45—Кинопрограмма. 17.35 — Уфқ. 18.35 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 20.05 — Тропининлар. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Тропининлар. Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 23.30 — Дунё воқеалари.

МТ-IV

9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05—Француз тили. 10.35 ва 11.35—Физика. 11.05 — Эленистик давлатлар санъати. 12.35 ва 13.35 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 13.05 — Шахмат мактаби. 14.05 — Азизим Саша... (А. Одоевскийга бағишланади). 15.00 — Гермер. Одиссея.

ЎҚИТУВЧИ ЭКРАНИ

15.55 — Зоология. 16.20 — Музика. 16.50 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 — Халқаро панорама. 21.15 — Мультфильмлар. 21.30 — Время. 22.05 — Чайкалар учиб келаверсин. Телевизион бадиий фильм.

УзТВ-I

18.20 — Сўз кетидан сўз келар. 18.40 — Фильм-концерт. 19.00 — Ўқувчилар бригадаларида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон ССР социал-таъминот министри С. У. Султонова телетомошабинларнинг саволларига жавоб беради. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар. 21.30 — Время. 22.05 — Хирмонингизга барака. 22.20 — Концерт.

УзТВ-II

18.05 — Телефильм. 18.30 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Металлург» (Череповец). 20.45 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 21.15 — Ҳужжатли фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13|Х да **Алмалар**, 14|Х да **Келинлар қўзғолони**, 15|Х да **Нодирабегим**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14|Х да **Олифта**, 15|Х да **Тошкентнинг нозанин маликаси**.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари —335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва оилий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 02261. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1735. 13